**Ушбу сонда:**
2 НИЯТИ УЛУҒ, ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ
3 САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР
4 ЧУСТИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 5 март, жума № 36 (1669)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ХАЛҚАРО АНЖУМАНГА ҲОЗИРЛИК

***«Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда АҚШ Қуролли Кучлари вакиллари иштирокидаги конференция якунланди.***

- Беш кун давом этган анжуманда шу йилнинг сентябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтадиган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишга бағишланган «IWER-2004» халқаро семинарига тайёргарлик кўришга оид масала муҳокама этилди, - деди вазирликнинг матбуот хизмати бошлиғи Улуғбек Мамадалиев ЎзА мухбирига.

АҚШ Қуролли Кучлари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган халқаро семинарда Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби мамлакатлардан ҳам мутахассислар иштирок этади.

(ЎзА)

# САОДАТ

Лавҳа

***«Тилни билган элни билади» мавзуида мактабда ўтказилган инглиз тили кечаси Саодатхон учун байрам бўлди. Доим қолоқ ўқувчилар қаторида юрадиган Бобуржон кўрик-танловнинг «қироли»га айланди. У «АҚШнинг биринчи президентлари ҳақида гапириб беринг» деган мураккаб саволларга инглизчасига ростмана жавоб қайтариб, ҳаммани қойил қолдирди. Бобуржон ҳозиргина ўзига топширилган совринни бағрига босиб тенгдошларининг олқишлари остида кўзи тўла меҳр билан муаллимасига тикилиб турарди.***



Ҳар бир бола ўзи бир олам. Билганга, бу олам билан устоз ораси атиги бир қадам, билмаганга эса, сомон йўлидек узун.

Шундай воқеа кечагидек ўқитувчининг ёдида. Муаллим парталарни оралаб, ўқувчиларнинг матн устида мустақил ишлашини кузатиб юрарди. Китоб варақаларининг шилдираши, болаларнинг «пичир-пичир»лари қулоққа чалинарди. Беихтиёр назари Бобуржонга тушади. У партадоши Наргизадан нимаиндир сўрамоқчи бўларди. Қизча бурнини жийириб, жеркиб ташлайди.

Кўнгил чўкканидан ёмони йўқ. Саодатхон ноўрин муомала учун қизчага дашном бериб, Бобуржоннинг ёнига аста ўтирарди. Боланинг манглайини қоплаган тер томчиларига секингина дастрўмолини босиб, ёзувини мақтарди. Тушунилиши қийин жумлани инглизчага ағдаришга кўмаклашарди.

Бобуржон устози эътиборига тушганлигининг боиси бор эди. У қўшни мактабдан ўтган бўлиб, ногирон, ўнг қулоғи эшитмас эди. Ота-онаси билан мулоқотда, ана шу нуқсон учун болалар ўртасида қисиниб юришини, чет тилини ўзлаштиришга улгурмаётганлигини билиб олганди.

Саодатхон табиатан болажон. Бир оёғи мактабда бўлса, бир оёғи хонадонда бўлади. Тиббий кўрикдан ўтказишга, туман ногиронлар бўлимига учрашиб, эшитиш аппарати ажратилишига кўмаклашди. Бўш вақтини Бобуржон билан кўпинча компьютер хонасида ўтказар эди. Инглизча талаффузга тили келмай қолганда, Бобуржон ҳам, Саодатхон ҳам қора терга ботарди...

Ҳа, болага тил ўргатиш, игна билан қудуқ қазишдек гап. Ортиқча зўриқишдан қон босими кўтарилиб, Саодатхон шифохонада ҳам ётиб чиқди. Бобуржон мактаб дарвозаси ёнида устозини йўлини пойлаб, илҳақ бўлганини, соғайиб ишга қайтганида ҳамкасбларидан эшитди.

Жалақудуқ туманидаги физика-математика фанларига ихтисослашган 1-умумтаълим мактаби инглиз тили ўқитувчиси Саодатхон Исмонованинг кундалик иш фаолиятидан бир лавҳа келдтирдик, холос. Муаллим 30 йилдан буён ушбу илмгоҳда меҳнат қилиб келмоқда.

У АҚШнинг халқаро тил ўргатиш маркази «АКСЕЛС» дастурининг тўрт марта ғолибаси ҳамдир. Марказ ташаббуси билан Техас штатида «Райс» дорилфунунида тил ўқитиш юзасидан тажриба оширганлари умрида ёрқин хотира бўлиб қолган. Тиельслар оиласида бир ой яшаб, Америка таълим тизими ҳамда халқининг ҳаёти билан яқиндан танишганди. Оила бошлиғи Девис нефт корхонасида, турмуш ўртоғи Су хоним эса шаҳар мактабида ишлаб нафақага чиққан экан. Ҳамкорлик, дўстлик, бағрикенглик миллат танламайди, чегара билмайди. Саодатхон америкаликларга чучвара тугушни, ўзбекча палов дамлашни ўргатди. Дастурхон устида, мустақил мамлакатимизнинг таълим тизими, ўзбек хотин-қизларининг турмуш тарзи, аёллар меҳнатининг ардоғи сифатида ўзининг АҚШга ташрифи ҳақида гапириб берди. Халқ таълимидаги фидойи хизматлари туфайли эришган «Соғлом авлод» нишонини Девислар оиласи қайта-қайта қўлида ушлаб кўрарди. Ўзбек аёлининг нуфузига, жамиятда тутган ўрни, мавқеига мезбонлар ишонч ҳосил қилардилар. Шундан буён Тиельслар оиласи океан ортидан ҳар йили Саодатхонга Халқаро Хотин-қизлар байрами — 8-март билан қутлаб мактуб йўллашни одат қилишган. Муаллима ҳам ўз навбатида мактублар мазмуни билан ўқувчиларни таништириб боради.

Навбатдаги мактуб билан танишув ҳар галгидек, мактабнинг компьютер синфида ўтказилди. Негаки, Саодатхоннинг АҚШга сафари муносабати билан «АКСЕЛС» тил ўргатиш маркази жалақудуқлик инглиз тили ихлосмандларига қиймати 6000 АҚШ доллари миқдоридаги техника воситалари тўпламларини совға қилганди.

Кўнгил-кўнгилдан сув ичиши бор гап. Таълим устасининг хорижга ташрифида Американинг «Осиёга беғараз ёрдам» халқаро ташкилоти Андижон вилоят бўлинмасининг айниқса ҳиссаси катта бўляпти. Ўзбекистон - АҚШ ҳамкорлигига бағишланган бурчакдан совға қилинган Америка байроқчаси, «АҚШ президентлари» расмли китоблар ва бошқа ўқув қўлланмалари жой олган.

Саодатхоннинг собиқ талабаларидан Зебохон Иброҳимова Андижон бўлинмаси тавсияси билан уюштирилган инглиз тили ўқитилиш бўйича республика олимпиадасида совриндор бўлди. Мичиган штатидаги мактабларда бўлиб қайтди. Тошкент техника университетига имтиёз билан кириб, уни битиргач, ҳозирда пойтахтдаги АҚШ - Ўзбекистон реклама агентлигида таржимонлик қилмоқда.

Яхшидан боғ қолар, дейдилар. Саодатхоннинг меҳр ва илм булоғидан баҳраманд бўлган шогирдларининг кўпчилиги илмга чанқоқ фарзандлар бўлиб етишяпти. Жасур Раҳмонов тил ўрганиш «АКСЕЛС» танловида ютиб чиқди. Шу кунларда у Тошкентдаги Вест-Министр университетида таҳсил олмоқда. Зуҳриддин Эгамов бугун Ўзбекистон Жаҳон Иқтисодиёти ва Дипломатия университетининг талабалари сафидан жой олган. Дилдора Тожибоевага дугоналари ҳавас қилишмоқда. У Чет тиллар олийгоҳини тамомлаб, Республика Ташқи ишлар вазирлигида менеджер вазифасида ишламоқда.

Хотин-қизлар шодиёнаси куни устозни ишхонасида гул-гул яшнаб турган ҳолда учратиб қолдик. Шогирдлари, ҳамкасблари даврасида қучоғи тўла гулдасталар билан турарди. Саодатхон қувонч билан қўлидаги мактубни ҳамроҳларига ўқиб бераётганди.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ЗУЛФИЯ МУКОФОТИНИНГ ЯНГИ СОҲИБАЛАРИ



М.АМИН (ЎзА) олган суратлар

***Ёш авлодни маънан етук, жисмонан соғлом вояга етказиш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Уларнинг истеъдодини юзага чиқариш, асраб-авайлаш ва қўллаб-қувватлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш борасида кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, ҳар йили истеъдодли ёшларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маънавий қадриятларни амалиётга татбиқ этишдаги ибратли фаолиятини рағбатлантириш, баркамол хотин-қизлар авлодини вояга етказиш мақсадида уйғониш ва янгиланиш, гўзаллик ва нафосат фасли - баҳорнинг дастлабки кунларида, халқаро хотин-қизлар байрами - 8 март арафасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари эълон қилинади.***

Анъанага кўра, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 1 мартдаги «Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ аъло хулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари билан ноёб истеъдодини намоён этаётган ҳамда адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун бир гуруҳ иқтидорли қизлар Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг 2-курс талабаси Айжамал Туремуратова, Андижон давлат университетининг 1-курс магистранти Дилрабохон Абдуллаева, Бухоро шаҳридаги 12-умумтаълим мактабнинг 11-синф ўқувчиси Юлдуз Ондаева, Жиззах давлат педагогика институти қошидаги академик лицейнинг 3-курс талабаси Шоҳида Мирзаева, Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги Ал-Хоразмий номли ихтисослашган мактабнинг 10-синф ўқувчиси Наргиза Раҳимова, Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги ихтисослашган мактабнинг 11-синф ўқувчиси Хуршида Нарзиева, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги ихтисослашган мактабнинг 9-синф ўқувчиси Феруза Абдуқаҳҳорова, Самарқанд шаҳридаги 64-умумтаълим мактабнинг 11-синф ўқувчиси Нафиса Ҳайдарова, Сирдарё вилояти Ш.Рашидов туманидаги 18-умумтаълим мактаб кутубхоначиси Гулноза Сулаймонова, Сурхондарё вилояти Денов шаҳридаги 84-умумтаълим мактабнинг 11-синф ўқувчиси Феруза Қурбонова, Тошкент вилояти Паркент туманидаги 22-умумтаълим мактабнинг 11-синф ўқувчиси Шаҳноза Шожалилова, Фарғона вилояти «Тадбиркор аёл» уюшмаси ходими Гулзода Ёрбоева, Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 16-умумтаълим мактабнинг 10-синф ўқувчиси Фароҳат Жабборова, Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицейнинг 3-курс талабаси Камола Эрматова бу йил ана шундай юксак мукофотга сазовор бўлди.

(ЎзА)

*Наврўз нафаси*

# ОРОЛБЎЙИ ЧЕЧАКЛАРИ

Қорақалпоғистонлик деҳқонлар Вазирлар Маҳкамасининг «2003 йилда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари»га бағишланган йиғилишда қўйилган вазифаларни изчиллик билан амалга оширишга киришдилар.

Қонликўл тумани далаларида баҳор. Орол денгизи соҳилларида эсаётган салқин шамол чўлликлар қалбига ўзгача бир эврилиш бағишлайди. Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ўрозали Мамбетризаев бизни «Сари олтин» фермерлар уюшмаси далаларига бошлади. Собиқ ширкат хўжалигининг экин майдонлари фермерларга бўлиб берилгандан сўнг деҳқончиликда катта ўзгаришлар юз берди. Одамларда ерга, мулкка эгалик ҳисси шаклланиб, маҳсулот етиштириш кўпайди.

– Ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хўжалик юритишнинг янгича усулларини жорий этиш, фермерлик ҳаракатини авж олдириш аграр соҳа тараққиётини таъминлашнинг ишончли омилидир, – дейди бошқарма бошлиғи – Ў.Мамбетризаев. 19201 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган дала меҳнатчилари пахта, шоли, буғдой, кўплаб сабзавот, полиз, кунгабоқар ва бошқа экинлар ўстирадилар.

Ўтган хўжалик йилини муваффақиятли якунлаган қонликўлликлар Наврўз байрамига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Айни пайтда мавжуд 6 та ширкат, 371 та деҳқон-фермер хўжаликлари далаларида баҳорги дала юмушлари амалга оширилмоқда. Хусусан, «Сари олтин», Қуломет Жиров номли, «Туркистон» фермерлар хўжаликлари уюшмаларида кўкламга экин-тикин ишлари авжида.

Кузда 5000 гектардан ошиқ майдон юқори сифатли қилиб шудгорланди. 10 минг гектар ерга яхоб суви берилди. 74 километр ички суғориш тармоғи, 42 километрлик зовурлар тозаланди. Маҳаллий ўғитдан 30 минг тонна компост тайёрланди. Экиш агрегатлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Буғдой майсалари агротехник талаблари асосида парвариш қилиняпти.

Чорвадорлар 2700 дан ортиқ корамолни қишловдан талофатсиз чиқишини таъминладилар. Гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайди.

Ҳа, Қонликўл бугун яшариб бораётган борлиқ кўклам либосига бурканди. Бошқача айтганда мамлакатимиз шимолий ҳудудидаги одамлар Наврўзни ёруғ юз билан қарши оляпти.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ЙИГИТЛАР ҚАСАМЁД ҚИЛДИ

***Шимолий-ғарбий ҳарбий округга қарашли қисмда сафарбарлик чақирув резерви хизматини ўтаётган бир гуруҳ аскарлар қасамёд қабул қилди. Маросимда ҳарбийлар, аскарларнинг ота-оналари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.***

Тадбирда сўзга чиққан Нукус гарнизони бошлиғи ўринбосари, подполковник Т.Махамбеталиев, Шимолий-ғарбий ҳарбий округ қўмондонининг биринчи ўринбосари, подполковник Х.Каримов, «Нуроний» жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими раиси Ж.Муятдинов ва бошқалар Ватан посбонлари ўз қасамёдига содиқ аскарлар бўлишига ишонажагини таъкидлади.

(ЎзА)

*Бор бўл, оқибат!*

## ЯХШИЛАР КЎП ЖАҲОНДА

***Меҳр-мурувват. Бир жуфт сўз. Аммо мазмун-моҳияти, жонбахшлиги жиҳатидан мудом ардоқлашга, эъзозлашга арзигулигини айтишга тил, ёзмоққа эса қалам ожиздек.***

Бугун бу икки сўз ўзбекнинг, ўзбекистонликман деганнинг қалб қаъридан отилиб чиққан жарангдор туйғуга айланмоққа улгурди. Йилга ана шундай ном берилгани шу ҳиссиёт бағрида униб-ўсган халқимизни беҳад руҳлантириб юборди. Уни янада теранроқ, янада жиддийроқ ҳис эта бошладик. Шу тарзда ўтаётган ҳар бир кунимизга, умримизнинг ҳар бир дақиқасию ҳар бир фурсатига иштиёқимиз янада ошди.

Ҳаммадан ҳам якка-ёлғиз, боқувчисини йўқотганлар, кўмакка муҳтожларга мадад қўллари чўзилаётганлигини айтмайсизми?! Шу ўринда қадим Бухоронинг Вобкент туманида амалга оширилган бир хайрли иш тўғрисида сўзламоқчиман. Зеро, у халқимизнинг азалий қадриятларидан саналмиш меҳр-мурувват билан чамбарчас боғлиқ.

Ўтган йил эзгу ниятим амалга ошиб, талаба бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Шодлигимнинг чеки йўқ. Аммо шартнома асосида ўқишнинг ўзи бўлмас экан. Тез орада оиламиз моддий жиҳатдан қийнала бошлади. Наҳот, орзуларим саробга айланса, деган мулоҳазага бориб, бошим қотиб турганида курсдош дугонамнинг гапи кўнглимга мисоли чироқ бўлиб кирди. Туман ҳокимлиги бизга ўхшаган кўп болали, кам таъминланган, ота-онаси ногирон бўлган 40 нафар, ҳа-ҳа 40 нафар талаба-ёшлар билим олишлари учун ҳокимлик маблағлари ҳисобидан шартнома пулларини ўтказиб берибди.

Хуллас, бу рағбатдан - меҳр-мурувватдан мен ҳам четда қолмадим. Бошим осмонда. Кези келганда, туман ҳокимлигига бу мурувват, саховат учун барча тенгдошларим, ўзим ва ота-онам номидан миннатдорчилик билдирмоқчиман. Бундай меҳрибонликка аъло ўқишимиз ва намунали хулқимиз билан жавоб берамиз.

**Раъно РАМАЗОНОВА,**
**талаба**

# ЭЗГУЛИККА ОШИФТА КЎНГИЛ

***Фасллар келинчаги бўлмиш баҳор юртимизда энг аввал Сурхон воҳасига ташриф буюради. Она табиат яшилликка бурканиб, атроф ажиб гўзаллик билан безанади. Бу гўзаллик воҳа одамларининг кўнглига ҳам кўчади. Эл-улус тўпланиб бободеҳқон ҳақига кўчқор сўйиб, ерга барака уруғини сепадилар. Гўзал келинчаклар ва сулув қизлар, юзидан нур ёғилган момолар бошчилигида дошқозонларда ҳалим, сумалаклар пишириб, хонадонларга улашишади. Нуроний отахону онахонлар, ногиронлар ва кўнгли ўксиклар ҳолидан хабар олинади.***

Халқимизнинг азалий удумига амал қилган вилоят касаба уюшмалари Кенгаши баҳорнинг илк кунлариданоқ кам таъминланган оилалар, кўмакка муҳтож ногиронлар, кўнгли ярим болажонларга совға-саломлар орқали меҳр-мурувват улашмоқда. Жумладан, Сариосиё туманидаги аёллар ва болалар ҳамда Бойсундаги 12-Меҳрибонлик уйига, шунингдек, Шўрчи туманидаги ақли заифлар мактаб-интернати тарбияланувчиларига бир ярим миллион сўмлик кийим-бош, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўқув қуроллари, дарсликлар ҳадя этилди.

Касаба уюшмалари Кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедовнинг таъкидлашича, тармоқ ва бошланғич қўмиталар маблағлари ҳисобидан ҳозиргача 5 минг нафардан зиёд кишига байрам туҳфаси сифатида совғалар, пул мукофотлар берилди. Айтганча, Наврўз байрами муносабати билан уюштириладиган умумхалқ ҳашарида 100 минг нафарга яқин касаба уюшма аъзолари қатнашади. Шу куни ҳашар иштирокчилари иш ҳақлари ва ишлаб топган даромадларини «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисоб рақамларига ўтказадилар.

Дарҳақиқат, бугун касаба уюшмалари ташаббуси билан бошланган меҳр-мурувват, ободончилик ишлари бутун вилоятга ёйилмоқда. Хусусан, Шеробод туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги барча таълим-тарбия масканларида ҳозирги кунда ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш қизғин тусга кирган.

– Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ташаббусини қизғин қўллаб-қувватладик. Тасарруфимиздаги 65 та мактаб, 32 мактабгача ҳамда 5 та мактабдан ташқари муассасаларда ҳар бир ўқитувчи 10 тупдан мевали ва манзарали дарахт ҳамда 10 минг дона гул кўчатлари ўтқазишга эришдик, – дейди туман халқ таълими бўлими мудири Мамараим Бойқулов. – Бундан ташқари, марҳум ўқитувчиларимиз, боқувчисини йўқотган ҳамкасбларимиз хонадонларида бўлиб моддий-маънавий ёрдам кўрсатилди.

– Наврўз байрами муносабати билан корхонамизнинг барча ишчи-хизматчиларига энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида, ёш болали ҳамда ҳомиладорлик таътилида бўлган аёлларга бир ойлик иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам берамиз, – дея суҳбатга қўшилади «Сурхонозиқовқатсаноати» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Э.Сарибоев. – Мурувватимиздан Денов туманидаги 120 оила ҳам четда қолмайди. Уларга ўсимлик ёғи, қандолат маҳсулотлари тарқатилади. 50 нафар ногирон фуқароларнинг фарзандларига ўқув қуроллари ва дарсликлар олиб берамиз.

Олтинсой туманида ҳам ободончилик, бунёдкорлик, меҳр-саховат тадбирлари катта уюшқоқлик билан ташкил этилаяпти. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, ногиронлар, кам даромадли оилалар меҳр-мурувват ёрдамларини олишмоқда. Ҳудуддаги саноат касб-ҳунар коллежининг вояга етмаган ота-онасиз ўқувчилари – Ғайрат Пиримқулов, Ғаффор Абдураимов, Гулширин Шоймова, Хусниддин Холиёровлар туман ҳокимлиги ёрдамидан бошлари осмонга етди.

Сурхондарёда мурувваталаб инсонлар, саховатпеша тадбиркорлар кўплаб топилади. Деновлик фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев, қумқўрғонлик Зумрад Ҳайитова, бойсунлик Эсон Тўраев, шўрчилик Суюн Мавлонов каби бағрикенг инсонлар кўнгли ўксик болажонларни меҳр тўла сўзлар, қимматбаҳо совғалар билан қутлашмоқда.

Ҳадису шарифда «Эзгуликка шошилинглар» деган ҳикмат бор. Бугун баҳор, Наврўз барча-барчамизни эзгуликка чорламоқда. Ўксик кўнгиллар эса яхшилик зиёси ила нурафшон бўлаётир. Зотан, бир оғиз ширин сўз, чин дилдан кўрсатилган беминнат ёрдам – яхшиликнинг умри боқийдир.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири**

*2004 йил-Меҳр ва мурувват йили*

# НИЯТИ УЛУҒ, ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ

***«Термиз паррандачилик фабрикаси» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти фаолияти кейинги йилларда тобора оқсаб борарди. Иқтисодиётининг равнақига тўсиқ бўлаётган бу ҳолат, туман ҳокимиятини бефарқ қолдирмади. Ишчи-хизматчилар иштирокида жамиятга тадбиркор Холмамат Нормуродов раис этиб сайланди.***

Янги раҳбар қисқа вақт ичида, жамиятнинг ишларида бурилиш ясади. Биргина 2003 йилда корхонанинг 350 нафар ишчи-хизматчилари 144 минг бош товуқ, 146 минг бош жўжа, жами 290 минг бош паранда парвариш қилиб, юқори кўрсаткичларга эришди. Тухум ва гўштдан 338 миллион 146 минг сўм соф фойда олинди.

Иқтисодий кўрсаткичлардан, аввало жамиятнинг ишчи-хизматчилари хонадони обод, кўнгли шод бўлди. Икки гўзалликнинг бири бўлган меҳнатнинг таги роҳат эканлигини улар ўз жамоалари мисолида кўрдилар. Жамият маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма қўмиталарининг бир-бирларига елкадош бўлиб ишлаши натижасида соғлом муҳит ва ривожланиш кўзга ташланмоқда. 2003-2004 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасида акс этган мажбуриятларнинг бажарилиши муваффақиятлар омили бўлмоқда. Унга асосан ишчи-хизматчига ҳар ойда ўртача 45 минг сўмдан иш ҳақи накд тўланмоқда. Бундан ташқари, пайвандчи Хуррам Хўжақулов, Мамаюсуф Қаюмов, чилангар Сафарали Дўстназаров, Панжи Бердиев сингари 25 нафар зарарли шароитда ишлаётган ишчиларнинг иш ҳақларига 15 фоиз қўшимча ҳақ, ҳар куни 0,5 литр миқдорида сут маҳсулотлари бепул берилиши йўлга қўйилган. Ҳар байрамда ишчиларга парранда гўшти, тухум мукофот тариқасида инъом этилади. Бу каби эзгу ишлар Меҳр ва мурувват йилида ҳам давом этмоқда. Жамоанинг қўлга киритаётган ютуқлари замирида ишчи-хизматчиларга яратилган шароит ва рағбат ўз аксини топмоқда. Фабрикада ишчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун шинам ва ёруғ, барча шароитларга эга бўлган дам олиш хоналари мавжуд. Шунингдек, «Маънавият ва маърифат», хотин-қизлар, саломатлик хоналари бўлиб, улар ҳамиша ишчилар хизматида. Ҳамшира Жарқиной Чориева доимо ишчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш учун масъул. Ҳар йили икки марта уларни тиббий назоратга олиб, мутахассислар кўригидан ўтказади.

Жамоа шартномасида кўрсатилганидек, ишчиларга техника хавфсизлиги қоидалари тушунтирилиб борилади. Бу ишга жамият фойдасидан 20 миллион сўм маблағ ажратилган. Ходимлар 100 фоиз қишги ва ёзги мавсумлар учун кийим-бош билан таъминланган.

- Меҳр-саховат фаолиятимиз асосини ташкил этади, - дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Собиров.-Жамиятимиз ҳудудимиздаги «Паррандачилик» маҳалласини ўз оталиғига олган. Маҳалла ҳудудидаги қаровсиз қолган болалар боғчасини 6 миллион сўмга қайта таъмирлаб, 320-ўринли мактабга айлантириб бердик. Эскирган табиий газ қувурлари ўрнига 1500 метр янги қувур тортилди. Ичимлик суви қувурлари ҳам янгиланди. Қурбон ҳайити байрамида маҳалланинг Адолат Бобоева, Ширин Эргашева, Зиёд Бекмуродов каби 25 нафар кам таъминланган оилаларига гўшт, тухум берилди. Бундан ташқари, 25-умумтаълим мактабига энг сўнгги русумдаги 8 та компьютер ҳадя этдик. Аълочи ўқувчиларга ҳар чоракда стипендия тайинладик.

Меҳр-мурувват шундай фазилатдирки, у одамларни бир-бирига нафақат дўст, балки масъулиятли қилиб тарбиялайди. Бунинг ёрқин далили «Термиз паррандачилик фабрикаси» очиқ ҳиссадорлик жамияти фаолиятида акс этмоқда.

**Д.РУСТАМОВ**





Қизилтепа туманида фаолият юритаётган «Хадичабону» миллий ҳунармандчилик ишлаб чиқариш хусусий фирмасида 400 нафардан ортиқ ишчи бўлиб, уларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади.

Моҳир тадбиркор Хадичабону Воҳидова раҳбарлик қилаётган корхонада зардўзлик, каштачилик, тикувчилик, шунингдек, аёллар гўзаллик салони, суратхона, новвойхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси ҳамда қандолатчилик цехи ишлаб турибди.

**Суратларда: (чапда) корхонанинг қўлигул зардўз қизи – Гулноза Жўраева; фирма раҳбари Хадичабону Воҳидова илғор тикувчилар Дилафруз Зоирова ва Муҳайё Тўхтаева билан маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда; (пастда) тикувчи Санобар Сатторова.**

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

# МАФТУНКОР ГЎШАЛАР

Мейлиқул Бобоев номли ширкат хўжалиги Китоб туманидаги кўп тармоқли хўжаликлардан бири саналади. Ўтган йили бу ерда пахтачилик, ғаллачилик, полиз ва сабзавотчилик, гўшт, сут ишлаб чиқариш шартнома режалари ортиғи билан бажарилди. Даромадга яраша буромад деганларидек, бу ерда талай хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Хўжалик ҳудудидаги 8 та қишлоқда 11 мингдан зиёдроқ аҳоли истиқомат қилади. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорлигида ишчи-хизматчиларга ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиб бериш мақсадида қатор тадбирлар бажариляпти. Мавсумий ишловчилар иссиқ овқат билан таъминланиб, моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам берилмоқда. Байрамларда ногиронлар, ёлғиз қариялар ва беморлар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, совға-салом улашиш яхши анъанага айланган.

Яна бир ибратли жиҳат шуки, хўжаликда ичимлик суви муаммоси тўлиқ бартараф қилинган. Газлаштириш эса 95 фоизга бажарилган. Эндиликда бу муҳим вазифа ҳам бажарилиш арафасида. Ўтган йили хўжалик раиси ташаббуси билан «Бешқозоқ» қишлоғида савдо дўкони ва маиший хизмат шохобчаларини қуриш учун тадбиркорларга ер майдони ажратиб берилди. Иншоотлар қуриб битказилгач, қишлоқнинг чиройига чирой қўшилиб, аҳоли учун янги қулайликлар яратилди. Бундан ташқари, ҳудуддаги мактабни таъмирлашга 9 миллион 500 минг, 60 ўринли янги мактаб қурилишига 10 миллион сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, хўжалик маъмурияти мавжуд 6 та мактабда таълим олаётган аълочи ўқувчиларни стипендия билан таъминлашни ҳам ўз зиммасига олган.

Болалар спортини ривожлантириш, қишлоқ жойларда жисмоний тарбия ишларининг йўлга қўйилиши ҳам мақтовга лойиқ. Жумладан, ҳозирги кунда 6 минг нафарга яқин аҳоли яшайдиган қишлоқда болалар спорт майдони бунёд этиш учун 60 сотих майдонда қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

**Алишер РАҲМОНОВ, «Ишонч» мухбири**



*Бир Фармон шарофати*

# АБОНЕНТЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарорини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан Қашқадарё вилоятида ибратли ишлар амалга оширилаяпти.

Бугунги кунда вилоятда мавжуд АТСлар қувватини ошириш ва хизмат кўрсатишни абонентларга яқинлаштиришга қаратилган имкониятлар излаб топилаяпти. Тармоқда таъмирлаш, модернизациялаш, аҳоли ва халқ хўжалигига алоқа хизмати кўрсатиш яхшиланмоқда. Телефон каналлари ва тақсимлаш тармоқлари қурилишига, қишлоқ, маҳаллалар, турар-жой ва саноат корхоналарини телефонлаштириш имкониятлари кенгайди.

— Телефон тармоқларини ривожлантириш ва рақамли тизимларга ўтиш, тизимда янги технологияларни жорий этиш дастури ишлаб чиқилган, — дейди «Қашқадарётелеком» вилоят бўлими бошлиғи Самад Каримов. — Айни пайтда шу асосда изчиллик билан иш олиб борилмоқда. Эндиликда асосий эътибор олис қишлоқларда яшаётган аҳолига намунали хизмат кўрсатиш тизимини жорий этишга қаратилган.

Амалий ишлар ижобий самара бераяпти. Яқинда Қаршидаги шаҳарлараро телефон тармоғида янги станция ишга туширилди. Ҳозирга қадар фойдаланиб келинган АТС ўрнида Хитойнинг Хуавей компаниясида ишлаб чиқарилган замонавий электрон автомат-телефон станцияси ўрнатилди. Янги станция 2280 та шаҳарлараро ва халқаро алоқа линияларига эга бўлиб, ҳудуднинг узоқлигидан қатъи назар мижозларга қисқа вақтда сўзлашувчилар билан боғланиш имконини беради. Вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги, шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Термиз, Бухоро шаҳарларида ишлаб турган телефон тармоқлари билан доимий алоқа ўрнатилди. Абонентлар учун бирмунча қулайликлар мавжуд. Ушбу станция орқали қўнғироқ рақамини аниқлаш ва бошқа телефонга йўналтириш, қисқа рақамни териш каби 30 турдаги қўшимча хизматлар кўрсатиш мумкин. Шунинг билан бирга «Интал-тел» линияси орқали тўғридан тўғри Интернетга чиқиш учун ҳам имконият яратилди.

**ЁЛҚИН**

# КИЧИК КОРХОНАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Ўрта Чирчиқ туманида ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «INTER-FOKS!» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Тадбиркор Абдуҳаким Каримов ушбу корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун кўп вақт сарфламади. Рустам Исмоилов ҳам пластмасса идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Коттон-плюс» масъулияти чекланган жамиятини ортиқча расмиятчиликларсиз ташкил этди.

- Илгарилари кимдир кичик корхона очмоқчи бўлса, ойлаб сарсон бўларди. Ҳозир тадбиркорлик субъектини ҳафта-ўн кун мобайнида расмийлаштириб беряпмиз. Якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун тегишли ҳужжатларни шу куннинг ўзидаёқ олиб кетиши мумкин,- дейди тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш туман инспекцияси бошлиғи Муҳаммадқобил Убайдуллаев.

Шу тариқа йилнинг ўтган икки ойи мобайнида туманда 65 кичик ва ўрта бизнес корхонаси рўйхатга олинди.

# ФОЙДАСИ БЕҚИЁС

Г.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиалида АҚШ Ижтимоий бошқарув институти билан ҳамкорликда корхона раҳбарлари маҳоратини оширишга бағишланган ўқув-амалий семинари иш бошлади.

Корхона ва тижорат банклари раҳбарлари икки кун давомида янги шароитда хўжалик юритишнинг замонавий бошқарув услубларини амалиётга жорий этиш, менежернинг бу жараёндаги ўрнига бағишланган масалаларни муҳокама этади.

Тадбирнинг биринчи куни «UzTEXACO» қўшма корхонаси бош директори ва Америка савдо палатасининг Ўзбекистондаги президенти Боб Хортон, «Экстеншн Менежмент Инк» бошқарув-консалтинг корпорациясининг президенти Билл Льюисннинг маърузалари тингланди.

# «СЕН ЁЛҒИЗ ЭМАССАН, ЖИГАРИМ!»

***Қамаши туманидаги 4-Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болаларга ҳомийлик қилиш истагини билдирган кишилар анчагина топилади.***

- Муссасамизда 89 нафар бола тарбияланади, - дейди Меҳрибонлик уйи раҳбари Шарофат Шоймардонова. - Туманимиздаги энг обрўли кишилар, раҳбарлар, тадбиркор ва зиёлилар оилалари тарбияланувчиларимизни ўз ҳомийлигига олди. Ҳомийлар уларни байрам ва дам олиш кунлари ўз оилаларига олиб кетишади. Улғайганда никоҳ тўйларини ўтказиб, олий ва ўрта-махсус ўқув юртларида ўқишлари учун кўмаклашади. Бошқача айтганда болалар энди ёлғиз эмас, уларнинг ота-оналари бор.

# ИҚТИДОРЛИЛАР САРАЛАНДИ

***Қарши шаҳрида иқтидорли ўқувчилар анъанавий кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Вилоят халқ таълими бошқармаси, ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази ташаббуси билан ўтказилган танлов иштирокчилари йигирма бир йўналиш бўйича беллашди.***

Айниқса, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ туманларидан келган ўқувчилар ўлкашунослик бўйича юқори билим ва иқтидорга эга эканлигини намойиш этди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди ва танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**(ЎзА)**

# ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

***Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларида қайд этилишича, кекса ёшли кишилар ўртасида юрак, қон-томир, асаб, бўғим ва таянч ҳаракат тизимлари касаллигига чалинганлар кўпчиликни ташкил этади. Бунга, айниқса, инсон ёши ўтгани сайин жисмоний ва маънавий фаоллиги сусайиб боришига сабаб бўлади. Бунинг олдини олишда қарияларни ижтимоий химоялаш муҳим омиллардан саналади.***

Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида герантологиянинг долзарб муаммоларига бағишлаб ўтказилган анжуманда шу ҳақда сўз юритилди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, айниқса, боқувчисини йўқотган ва бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш доимий эътиборда.

Бу борада Ибн Сино халқаро жамғармаси томонидан ҳам халқ табобати ва замонавий тиббиёт фани ютуқларига таянган ҳолда кексалар саломатлигини муҳофаза қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилиб, соғлом турмуш тарзи тарғиб қилиняпти.

Тадбирда Ибн Сино халқаро жамғармаси томонидан Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатига тўрт миллион сўмлик дори-дармон ва кийим-кечак инсонпарварлик ёрдами сифатида топширилди.

**(ЎзА)**

*Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

# КРЕДИТНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

Мамлакатимизда 2003 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш йўли изчил давом эттирилди. Унинг натижасида инфляция даражаси кескин пасайди, аҳолининг реал даромадлари 12,3 фоизга, тижорат банкларидаги омонатларга депозитлари 44 фоизга кўпайди. Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилаётган кредитлар эса 2,3 баробарга ўсди. Бунда акционерлик-тижорат «Пахтабанк» Андижон вилоят бошқармасининг ҳам ҳиссаси бор, албатта.

Бошқарма мавжуд имконият ва маблағларни асосан шу соҳага йўналтирди. Бу ерда тадбиркорлар кредитлаш билан шуғулланувчи масъул ходимлардан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишлари мумкин.

Аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш ишлари ҳам фаол олиб борилди. Бунинг натижасида бултур аҳолининг 2 миллиард 32 миллион сўм маблағи омонатларга жалб қилинди. Омонатлар миқдори юқори бўлишига «Истиқлолинг муборак», «Обод юрт», «Ҳосил», «Шарқ юлдузи» каби янги омонат турлари жорий этилгани ҳам катта таъсир кўрсатди. Хусусан, «Ҳосил» омонати қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари учун мўлжалланган бўлиб, йиллик 54 фоиз тўлов асосида қабул қилинди. Мижозлар ойлик ҳисобланган фоизларни ўз вақтида оляпти. Айни кунларда бу ерда янги-янги омонат турларини жорий этиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилаётган кредитлар салмоғи ҳам юқори. 2004 йил 1 январ ҳолатига 603 та тадбиркорга 1 миллиард 775 миллион сўм кредит ажратилди. Шундан 1 миллиард 513 миллион сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан, 262 миллион сўми эса бюджетдан ташқари фондлардан берилган. Кредитлар ҳисобидан 1437 та янги ишчи ўринлари яратилди. Бунинг асосий қисми, яъни 1305 та янги ишчи ўринлари қишлоқ жойларидаги юқори иннавацион лойиҳаларни кредитлаш натижасида амалга оширилди.

Банк кредит портфелини таҳлил қиладиган бўлсак, саноатга 562 миллион 500 минг сўм, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга эса 639 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилганининг гувоҳи бўламиз. Кўриниб турибдики, қарзларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун йўналтириляпти. Ишонч борки, шундай қилиняпти. Ваҳоланки, кўпчилик маблағнинг катта қисмини қишлоқ хўжалигига ажратишдан чўчийди. Берилган кредитларни вақтида қайтариб ололмасликдан ховтирланади.

Бирлашманинг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан шакллантирилган 572 миллион сўм миқдоридаги кредитлар қишлоқ жойлардаги пухта бизнес режага эга бўлган самарали лойиҳаларни молиялашга йўналтирилди. Ўтган йил бошида бирлашманинг амалиёт бўлими мижози «Ал-Ривож» кўп тармоқли савдо ишлаб чиқариш фирмасини ривожлантириш учун 20 миллион сўм, «Laratros» савдо корхонасига эса 15 миллион сўм имтиёзли қарз берилди. Натижада иккала корхонада ҳам ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайиб, янги ишчи ўринлари яратилди. Ҳозирга келиб улар кредит фоизларини ҳам вақтида қайтаришяпти. Банкда ҳамкорлар билан ишлашда тенг манфаатли шериклик қилиш бўйича тушунтириш ишлари тўғри йўлга қўйилган. Бу мижозларнинг ўз йўлидан оғишмай самарали фаолият олиб боришга асос бўляпти.

Бугунги кунгача кичик ва хусусий тадбиркорликнинг қўллаб-қувватлаш дастури доирасида 125 та тадбиркорга 162 миллоин сўм миқдорида кредитлар берилди. Ҳукуматимизнинг 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Оқ олтин бўлимида «Пахтаобод», «Янгиобод», «Жалолқудуқ», «Сариқсув», «Мингчинор» мини банклари очилди. Бу билан тумандаги деҳқон-фермер хўжаликлари учун қулай шароит яратилди.

**Нодиржон ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири**

# ПЕНСИЯ ВА НАФАҚАЛАР ЎЗ ВАҚТИДА

Хоразм почтаси ҳиссадорлик жамияти Шовот филиалида айни кунларда 65 нафар алоқачилар меҳнат қилишяпти. Жамоада 2004 йил учун турли газета-журналга 18 миллион сўмлик обуна қилинган бўлса, ўтган йили газета-журнал сотуви, жўнатмалар, электр, газ, иссиқлик манбаи, суғурта ва ҳоказолар ҳақларини ундириш ҳисобидан 54 миллион 500 минг сўмлик даромад қилишга эришилди.

Туманда 15 минг 500 нафар пенсионер бўлиб, уларга ҳар ойда 143 миллион сўм миқдорида нафақа пулларини тарқатиш ҳам алоқачилар зиммасида. Почта ташувчи Жумагул Болтаева, «Шердали» алоқа бўлимидан Маҳмуджон Машарипов, «Чиғатой қалъа» алоқа бўлимидан Душамбой Чодиров, оператор Санобар Худоёрова сингари алоқачилар жамоанинг фахри санашади.

**Б.ЭРНАФАСОВ**



**Суратда: узоқ йиллардан бери шу соҳада фаолият кўрсатиб, туман аҳолиси ўртасида ҳурмат қозонган филиал бош ҳисобчиси Собира Раҳмонова ва бошлиқ муовини Комилжон Эшмуродовлар галдаги режалар борасида фикрлашмоқда.**

*«Ишонч» фош этади*

# СОХТА ФЕРМЕР

## фаолиятига чек қўйилди

***Бугунги кунда мамлакатимизда қабул қилинган ва қилинаётган Қонунларнинг аксарият қисми юртимизда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилганлиги билан ҳам эътиборга моликдир.***

Хусусан, «Тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ниқоб остида фаолият кўрсатмоқни ихтиёр этган ғирром тадбиркорлар ҳам учраб туради.

Масалан, Янгийўл тумани «Тинчлик» ширкат хўжалиги ҳудудида 1999 йил ташкил этилган «Тулпор» фермер хўжалиги низомига кўра чорвачилик фаолияти билан шуғулланиши кўрсатилган бўлсада, унинг раҳбари Абдуҳамид Рашитов оғзаки шартнома асосида фуқаролар В.Лигай ва А.Лилар билан тил бириктириб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан яширин равишда қўзиқорин етиштириш ва сотиш билан шуғулланиб келганлиги маълум бўлди. Текширув кунига қадар жами 1 миллион 800 минг сўм ноқонуний даромад қилинганлиги аниқланиб, сохта фермер фаолиятига чек қўйилди.

Шунингдек, бўлимимиз ходимлари томонидан «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда.

Натижада бу борадаги қонунбузарлик ҳолатлари бир мунча камайишига эришилди. Аммо олиб борилаётган изчил тадбирларга қарамасдан ҳамон бу борада қатор қонунбузарлик ҳолатлари учраб турибди. Масалан, фуқаро Ш.Абдуллаев ҳисоб-фактураси бўлмаган, божхона тўловларини тўламаган жами 1730 килограмм «пентуза» вермешилини четдан олиб келаётганлиги аниқланди. Сохта тадбиркор бу маҳсулотларни яширин йўллар билан сотиш учун Янгийўл шаҳрига йўл олган экан. Ҳозирда ҳар иккала ҳолат юзасидан ҳам суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Айни пайтда ички бозорларимизни ҳимоялаш ва улар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар кўлами бўлим ходимларининг доимий диққат-эътиборида. Бошқача айтганда, олиб борилаётган ҳар қандай тадбир қонунчиликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

**Қулназар САУДОВ, Янгийўл туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими катта суриштирувчиси**

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ








## *Мунис оналаримиз, азиз опа-сингилларимизни 8 март — ажойиб баҳор байрами билан самимий муборакбод этади*








**_Жондан азиз Ватанимиз — ҳур Ўзбекистон гуллаб-яшнайверсин!_**



